

Одамларнинг яхшиси ким?



14:30 / 26.06.2019 2795

Кексайиш билан кексайишнинг орасида фарқ бор. Энг яхши кексайиш яхшилик билан яшаб, яхшилик қилиб юриб кексайишдир. Агар банда Ўзини йўқдан бор қилган Роббини таниб, У Зотнинг айтганини қилиб яшаб кексайса, унинг кексалиги энг яхши, энг чиройли кексалик бўлади. Унинг кексалиги баҳтга ва саодатга олиб борадиган кексалик бўлади.

Қуидаги сатрларда шарҳ қилинадиган ҳадиси шарифларда худди мана шу ҳақиқат борасида сўз кетади.

????? ??????? ?????? ????: ????????: ??????

????????????????? ??????: ??? ??????? ?????? ????

?????? ?????????? ??????: «????? ?????? ????????????

????????? ??????????». ??????? ????????????????

Абдуллоҳ ибн Бусрдан ривоят қилинади:

«Бир аъробий: «Эй Аллоҳнинг Расули, одамларнинг яхшиси ким?» деди.

«Умри узун, амали гўзал бўлган одам», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Қисқа ва жуда ҳам маъноли савол:

«Одамларнинг яхшиси ким?»

Дунёдаги барча одамларнинг яхшиси ким? Уларнинг ичидаги яхшилари кўп бўлиши мумкин. Аммо яхшиларнинг яхшиси ким. Набий солаллоҳу алайҳи васаллам ушбу қисқа ва балоғатли саволга жуда ҳам қисқа ва жуда ҳам балоғатли жавоб бердилар.

«Умри узун ва амали гўзал бўлган одам».

Демак, узоқ умр кўриш одамларнинг яхшиси бўлиш учун омил бўлар экан. Ўша узоқ умр эгаси одамларнинг яхшиси бўлиши учун қўйиладиган шарт – амали гўзал бўлиши экан. Амалнинг гўзал бўлиши эса Аллоҳ таолонинг динида бўлиш ва унга амал қилиш билан юзага чиқади.

Аллоҳ таоло барчамизга умри узун ва амали гўзал бандаларидан бўлишни насиб этсин!

“Кексаларни эъзозлаш” китобидан